

(?-1739-йил 27-ноябр)
(1728-1739)

Хива хони. Шохниёзхон ўгли. Унинг ҳукмронлиги даврида Хива хонлигида сиёсий аҳвол кескинлашади. 1736-йил Шергозихоннинг катта Эргози султон Шохободда унга қарши қураш бошлаган. Хонликдаги мангитлар ва қорақолпоқлар ҳам бош қўтарган. Элбарсхон уларга қарши қураш билан бир қаторда қўшни давлатлар ҳудудига ҳам чопқунлар уюштирган. 1736-йил Элбарсхон 3 минг туркман аскарларини Чин Вакил ёвмут бошчилигида Хуросонга жўнатган. Бу қўшин Манд текислиги ва Олатог атрофида эронликларнинг қизилбошлилар қўшини устидан зафар қозониб, катта ўлжа билан қайтган. бу пайтда Эрон шоҳи Нодиршоҳ Шемахани босиб олиб Ганжада турган эди. 1738-йил Нодиршоҳнинг ўгли Ризоқули мирза Балхни эгаллаб, Мовароуннахрга юриш бошлаган. Бухоро хони Абулфайзхон Элбарсхондан қўмак сўраган. Элбарсхон катта қўшин билан Бухорога отланган, бироқ йўлда Абулфайзхонни қизилбошлилар билан сулҳ тузганидан воқиф бўлгач, орқага қайтган. 1739-йил февралда Элбарсхон ўзбек ва туркманлардан ташкил топган қўшин билан Хуросонга юриш қилиб, Нисо ва Обивард атрофини талон-тороғ қилиб Хивага қайтган. 1739-йил октябрда Нодиршоҳ Бухорони олиб, Хивага қўшин тортган. Туямўйин, Питнак, Хазораспда хиваликлар мағлуб бўлган. Эрон қўшини Хонкани 7 кунлик қамалдан сўнг эгаллаган, Элбарсхон ва унинг 20 та амири асир олинган. Нодиршоҳ уларни қатл эттириб, Хивага юриш қилган ва 3 кунлик қамалдан сўнг уни босиб олган.